

**«O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти
манфаатлар тўқнашуви чоғида ҳаракатлар тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, «O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият деб юритилади) уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уни бартараф этиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолиятини амалга оширишда Жамият бошқарув ва назорат органларининг ва (ёки) унинг ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши, Жамиятнинг (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимларининг) мулкӣ ёки бошқа номулкӣ манфаатлари билан кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозларнинг (кейин ўринларда - Мижозлар деб юритилади) мулкӣ ёки бошқа номулкӣ манфаатлари ўртасидаги зиддият туфайли манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорларининг манфаатлари ўртасида, Жамият бошқарув ва назорат органлари билан акциядор (акциядорлар) манфаатлари ўртасида ҳам манфаатлар тўқнашуви (корпоратив низо) юзага келиши мумкин.

3. Ушбу Низомда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг қуйидаги ҳолатлари куриб чиқилади:

мажоритар акциядорлар (акцияларнинг йирик пакетларига эга бўлган акциядорлар) билан миноритар акциядорлар (акцияларнинг кичик пакетларига эга бўлган акциядорлар) ўртасида;

Жамиятнинг бошқарув органлари билан унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан Мижозлар ўртасида;

Жамият билан унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида, улар томонидан ўз хизмат мажбуриятларининг амалга оширилиши вақтида.

2-боб. Низом амал қиладиган шахслар доираси

4. Низом эгаллаб турган лавозимининг даражасидан қатъий назар Жамият бошқарув ва назорат органларининг аъзоларига ҳамда унинг барча ходимларига амал қилади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиниши тўғрисидаги талаблар Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқӣ шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи жисмонӣ шахсларга, агар тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлса ёки тўғридан-тўғри қонундан келиб чиққан ҳолларда, амал қилади.

3-боб. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари

6. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш қуйида санаб ўтилган тамойилларга асосланади:

манфаатларнинг реал ва потенциал тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошқор этишнинг мажбурийлиги;

ҳар бир манфаатлар тўқнашуви аниқланганда уни алоҳида кўриб чиқиш ва Жамият учун нуфуз таваккалчилигини баҳолаш ва уни бартараф этиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш ва уни бартараф этиш жараёнининг қатъиян махфийлиги;

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва унинг ходимлари манфаатларининг мувозанатига амал қилиниши;

шахсни ходим томонидан ўз вақтида ошкор этилган ва Жамият томонидан бартараф этилган (олди олинган) манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар қилиш муносабати билан таъқиб қилинишдан ҳимоялаш.

4-боб. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг сабаблари (шартлари)

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органлари билан унинг акциядорлари ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидаги сабаблар туфайли юзага келиши мумкин:

қонун ҳужжатларига, норматив ҳужжатларга ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;

миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорга катта таъсир кўрсатишга қодир эмаслиги;

ваколатланган бошқарув органларининг олдиндан берган розилигисиз йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузилиши;

бошқарув органлари томонидан Жамият молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган қарорларнинг қабул қилиниши.

8. Жамиятнинг бошқарув органларига кирувчи шахслар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаб турилган лавозимлари ҳақидаги, бошқа жамиятлар улушларига (акцияларига) эгалик қилиши ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган ахборотнинг тақдим этилиши.

9. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан Мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидаги сабаблар туфайли юзага келиши мумкин:

қонун ҳужжатларига, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;

Жамият акциядорлари манфаатларнинг устуворлиги тамойилига риоя қилмаслик;

иш юзасидан мулоқот қилиш нормаларига ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

Жамият томонидан ҳам, Мижозлар томонидан ҳам шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги;

қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги.

10. Жамият билан унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидаги сабаблар туфайли юзага келиши мумкин:

қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларининг бузилиши;

иш юзасидан мулоқот қилиш нормаларига ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

ўзи ва оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятининг амалга оширилиши;

Жамият билан ишбилармонлик муносабатлари йўлга қўйилган бошқа компанияда молиявий манфаатларнинг мавжудлиги;

бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида раҳбар, мансабдор шахс сифатида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

шахсий манфаатлар туфайли Жамиятнинг манфаатларига зиён етказган ҳолда бошқа ташкилотларга ишбилармонлик имкониятларини тақдим этиш.

5-боб. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш

11. Жамият уставида ва унинг ички ҳужжатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг умумий механизмлари назарда тутилган.

12. Мазкур Низомда Жамият бошқарув ва назорат органлари, унинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари белгиланади.

13. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар, Жамият устави ва ички ҳужжатларининг талабларига риоя қилиш;

ўрта ва узоқ муддатли даврда Жамият томонидан даромадлиликка барқарор эришишни таъминлаш;

низоли вазиятлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширишдан ва қарорларни қабул қилишдан ўзини тийиш;

Жамиятнинг самарали бошқарилишини таъминлаш;

Жамиятнинг қонунга ҳилоф фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялашга жалб этиш эҳтимолини истисно этиш;

товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришдаги энг юқори натижадорликни таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар чоракда бошқарув органлари олдида ҳисобот бериш;

Жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;

қиймати қонун ҳужжатлари ва Жамият уставида белгиланган миқдордан ортиқ бўлган йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

йирик битимларни ва аффилланган шахслар билан битимларни тузиш шартларининг назорат органлари томонидан ўрганиб чиқилишини таъминлаш;

зарур ҳолларда, Кузатув кенгаши томонидан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ битимларни тузиш тўғрисидаги қарорлар мақулланган тақдирда мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчиларни жалб қилиш;

аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобга олинишини таъминлаш;

қуйидагилар билан битимларни тузиш тартибларининг ишлаб чиқилишини ва уларга риоя қилинишини таъминлаш:

а) аффилланган шахслар;

б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари;

йирик битимларни ва аффилланган шахслар билан битимларни, улар Жамиятнинг ваколатланган органлари томонидан олдиндан маъқулланмасдан туриб тузмаслик;

юқори турувчи органларнинг рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимни эгалламаслик;

амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги ахборотнинг ва Жамиятнинг Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомига биноан қўшимча ахборотнинг ошкор этилишини таъминлаш;

акциядорлар ва Мижозларга, тартибга солиш ва назорат органларига ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа эълон қилинадиган ахборотнинг тўғрилигини таъминлаш;

Жамиятда мавжуд бўлган ахборотдан ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланилишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда берилган Жамият ҳақидаги салбий ахборотнинг тўғрилигини ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш ва салбий ёки нотўғри

ахборот пайдо бўлишининг ҳар бир факти бўйича ўз вақтида муносабат билдириш;

Жамият ички назорати тизимининг камчиликларини аниқлашда иштирок этиш;

бошқарув ва назорат органларининг аъзоларига тўланадиган мукофотнинг Жамиятнинг молиявий аҳволига мослигини таъминлаш, шунингдек Жамият фаолиятининг эришилган натижалари режалаштирилган кўрсаткичларга қанчалик мос келишини ҳисобга олиш;

касбий ва корпоратив этика тамойилларига риоя қилиш.

14. Жамият акциядорлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари:

мажоритар ва миноритар акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда, бошқа норматив ҳужжатларда, Жамиятнинг устави ва ички ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқларига риоя қилиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши лозим бўлган ахборотнинг акциядорлар ҳуқуқига ўз вақтида ҳавола этилишини таъминлаши;

ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаши;

акциядорларга низони келтириб чиқариши мумкин бўлган масалалар юзасидан тўла-тўқис ахборотни тақдим этиши;

рақобатлашувчи Жамиятнинг акцияларини (улушларини) сотиб олишда, шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этишда тузилишидан Жамият бошқарув органларининг аъзолари манфаатдор бўлган битимларни аниқлаши;

қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг объективлигини, ўйлаб кўрилганлигини ва мустақиллигини таъминлаш учун Кузатув кенгашининг таркибига мустақил аъзолар номзодлари кўрсатилишига интилиши шарт.

15. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан Мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

белгиланган тартибда Жамият тўғрисидаги ахборотнинг тақдим этилишини таъминлаш;

махфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибига қатъий амал қилишини таъминлаш;

товарларни (хизматлар) реализация қилиши ва Мижоздан шартномада ўзаро келишув асосида белгиланган миқдорда ёки эълон қилинган тарифлар бўйича тўловни ундириш;

Жамиятнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатишга қодир бўлган Мижозлар билан битимлар тузилишига йўл қўймаслик;

ўз Мижозлари учун товарларни (хизматлар) профессионал тарзда ва виждонан реализация қилиш;

Мижоз яққол хатога йўл қўйган ҳолларда (шу жумладан буюртмада, шартномада ва Мижоз томонидан имзоланган бошқа ҳужжатда хатога йўл қўйган ҳолларда) ходимлар томонидан вазиятдан онгли равишда шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини истисно этиш ва бундай хатога йўл қўйилган ҳолларда Жамиятнинг ходими бундай ҳужжат ижросининг олдини олиш юзасидан оқилона чораларни кўриш ва бу ҳақида Мижозни хабардор қилиш;

Мижозга берилган тавсиялар ушбу масалага доир мавжуд ахборотни ихтиёрий равишда таҳлил қилишга асосланган бўлишини таъминлаш;

Жамиятнинг бошқарув органлари ёки ваколатланган мансабдор шахсларининг розилигисиз Жамиятдаги қоғоз, магнитли ва бошқа турдаги манбаларда бўлган хизматга доир ахборот тоифасига киритилган ёхуд тижорат сирини ташкил этувчи ахборот сотиш, узатиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмашиш ва бошқача тарзда тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланмаслиги учун Жамиятнинг фаолияти жараёнида яратилган, қўлга киритилган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

16. Жамият билан унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида, улар томонидан ўз

хизмат мажбуриятларининг амалга оширилиши вақтида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва ходимлар:

ишбилармонлик мулоқоти нормаларига ва касбий этика тамойилларига риоя қилиши;

белгиланган тартибда шартномалар тузиши;

юқори турувчи мансабдор шахсни ёки бошқарув ва назорат органларини Жамият билан рақобатлашувчи ташкилотнинг улушини (акциясини) сотиб олиш истаги ҳақида хабардор қилиши;

юқори турувчи мансабдор шахсни манфаатлар тўқнашувининг юзага келишига хизмат қилувчи ҳолатларнинг содир бўлганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши;

юқори турувчи мансабдор шахсни мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари уларда катта молиявий манфаатга эга бўлган ва Жамият улар билан тижорат фаолиятини юритаётган ёки юритишни мўлжаллаётган ташкилотлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши;

Жамият билан мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари уларда катта молиявий манфаатга эга бўлган ёки уларнинг афилланган шахслари ҳисобланган ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир этувчи ҳар қандай фаолиятни амалга оширмаслиги;

манфаатлари Жамиятнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун Жамиятнинг юқори турувчи органлари розилигини олдиндан олиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни ўзининг бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш истаги ҳақида ва назарда тутилаётган иш Жамиятнинг манфаатларига зид келмаслиги хабардор қилиши шарт.

6-боб. Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш

17. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосли бўлгани ҳолда Жамиятнинг манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш учун судгача тартиботларни амалга оширадилар.

18. Мансабдор шахслар акциядорлар ва Мижозлардан бошқарув ва назорат органлари, корпоратив котиб номига ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган хатлар, аризалар ва талабларнинг (шу жумладан оғзаки талабларнинг) ҳисобга олинишини ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаши шарт.

19. Корпоратив низоларни ҳисобга олиш Жамиятнинг корпоратив котиби зиммасига юклатилади. Жамиятнинг корпоратив котиби корпоратив низога дастлабки баҳони бериб, масаланинг моҳияти юзасидан зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан уларни Жамиятнинг ушбу корпоратив низони кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органига топширади.

20. Жамиятнинг корпоратив котиби тез-тез юзага келиб турадиган низоларни таҳлил қилиб, низонинг барча иштирокчиларига қўшимча ахборотни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва (ёки) Жамиятнинг ваколатланган органи раҳбарига шу турдаги низоларни юзага келтирувчи сабабларга барҳам бериш мақсадида ички тартиб ва йўриқномаларни ўзгартириш ва бошқа тадбирларни ўтказиш юзасидан таклиф киритади.

21. Мижоздан ёки бошқа манбалардан низоли вазият ҳақида ахборот олган ходим зудлик билан бу ҳақда юқори турувчи мансабдор шахсга хабар қилиши шарт. Низони таркибий бўлинма даражасида бартараф этишнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда бўлинма раҳбари бир иш куни ичида ижроия органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига низо, унинг юзага келиши сабаблари, кўрилган чоралар ҳақида маълумот бериши шарт.

Ижро этувчи орган раҳбари ёки унинг ўринбосари низони бартараф этиш тартибини белгилайди ва ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур ҳолларда манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун комиссия ташкил этилади.

22. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун барча

чораларни кўради. Манфаатлар тўқнашувини бартараф этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда ижроия органи раҳбари масалани бошқарувга кўриб чиқиш учун киритади ва низо тўғрисидаги маълумотларни Кузатув кенгаши раисига юборади.

Ушбу маълумотлар низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш учун ташкил этилган Кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.

23. Ўз ривожланишининг қайсидир босқичида Жамиятни ижроия органи раҳбарининг ёки унинг ўринбосарининг манфаатларига даҳл қилаётган ёхуд даҳл қилиши мумкин бўлган низо тўғрисидаги маълумотлар уч иш куни ичида низоли бартараф этиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кузатув кенгашига юборилади, бунда ушбу маълумотлар қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилиб, Кузатув кенгашига мазкур масала юзасидан хулоса тақдим этилиши керак.

Агар низоли кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки амалдаги ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарурати пайдо бўлса, Кузатув кенгаши ёхуд ижроия органи ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Жамиятнинг бошқарув органлари Жамиятда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун:

юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини жуда тез аниқлаши, уларнинг сабабларини аниқлаши;

Жамият бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини аниқ белгилаши;

Жамиятнинг ваколатли шахсини аниқлаши ёки зарур ҳолларда низоли бартараф этиш бўйича комиссияни тузиши;

жуда қисқа муддатларда низолининг моҳияти юзасидан Жамиятнинг позициясини аниқлаши, тегишли қарор қабул қилиши ва уни низолининг иккинчи тарафи ҳукмига ҳавола этиши;

низолининг иккинчи тарафига Жамиятнинг низо юзасидан позициясини асословчи тўлиқ ва батафсил жавобни юбориши, низо иштирокчисининг илтимоси ёки талабини қондиришнинг рад этилиши ҳақидаги хабарни эса қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар, Жамиятнинг устави ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички тартибга солувчи ҳужжатлар асосида асослаши;

низоли ҳал этишда иштирок этган ваколатли шахс низо унинг манфаатларига ёки оила аъзоларининг манфаатларига даҳл қилаётганлиги ёхуд даҳл қилиши мумкинлиги тўғрисида зудлик билан хабар қилишини таъминлаши;

низо уларнинг манфаатларига даҳл қилаётган ёхуд даҳл қилиши мумкин шахсларнинг ушбу низоли ҳал этишда ва у юзасидан қарор қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаши шарт.

25. Жамият акциядорлари ўртасидаги, Жамиятнинг бошқарув органлари билан унинг акциядорлари ўртасидаги низоларни бартараф этиш учун:

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида юзага келган низоли бартараф этишда воситачи сифатида қатнашиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга ўз қўлидаги ва низога тааллуқли бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва ички ҳужжатларнинг нормаларини тушунтириши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли органлари ёки ваколатли шахслари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беради, акциядорлар имзолаши учун низолининг бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Жамият номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низоли бартараф этишга ёрдам бера оладиган ҳажмда мажбуриятларни қабул қилади;

Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низоли бартараф этиш юзасидан қарорнинг амалга оширилишини ташкил этиши ва низо иштирокчиси билан тузилган Жамият номидан имзоланган келишувларнинг ижро этилишига кўмаклашиши лозим;

Низолининг тарафи билан Жамият ўртасида ўз мажбуриятларининг моҳияти юзасидан баҳс-мунозаралар мавжуд бўлмаган ҳолда, лекин ушбу мажбуриятларни бажариш тартиби, усули,

муддатлари ва бошқа шартлари юзасидан келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда Жамият низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни бартараф этишни таклиф қилиши ва Жамият акциядорнинг талабини қондиришга доир ўз шартларини баён этиши даркор;

агар акциядор талабини қондиришга Жамиятнинг розилиги акциядор томонидан қонун ҳужжатларида, Жамият уставида ёки унинг бошқа ички ҳужжатларда назарда тутилган қандайдир ҳаракатларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, у ҳолда Жамиятнинг жавобида бундай шартлар тўла-тўқис кўрсатилади ҳамда уларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар (масалан, акциядор томонидан сўралган ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш ҳақининг миқдори ёки Жамиятнинг банк реквизитлари ва ҳ.к.) хабар қилинади.

26. Ушбу чора-тадбирлар рўйхати тўлиқ эмас. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши секторига қараб низони бартараф этишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Башарти мазкур Низомнинг алоҳида нормалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва (ёки) Жамиятнинг уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар қисмида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг ва (ёки) Жамият уставининг нормаларига амал қилиш лозим.